

АЛЛОҲ БОШНИ НИМАГА БЕРГАН ЁКИ ДЕМОКРАТИЯ БОРАСИДАГИ ҲАНГОМАЛАР

Ўзаро суҳбатлашиб турган ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларидан “Аҳволлар қалай?” деб сўрадим. Улардан бири:

- Демократия бўлгандан бери аҳволимиз ёмон, - деди. Суҳбатдошлар қаҳ-қаҳа отиб кулишди. Кулганлар орасида зиёлинамо кийинган, кўзойнакли йигит ҳам бор эди. У:

- Демократия нима ўзи? - деб савол берди.

- Билмасам, биз томондаги газеталарда “демократияни чуқурлаштириш”, ҳақида кўп ёзишади. Чуқурлашмагани шу бўлса, чуқурлашгани қанақа бўларкин, деб хавотир олиб юраман. Хар ҳолда, ҳозир бизда ишсизлик, қимматчилик, мардикорлар кўпайган, ҳатто аёллардан ҳам мардикорлар бор...

- Агар ишсизлик демократия бўлса, Қозоғистон ва ундан кўра ҳам демократикрок бўлган Россияда нега ишсизлик кам? - сўради кўзойнакли йигит.

- Билмасам?..

- Билмасангиз, билиб кўйинг, ишсизлик демократия маҳсули эмас, аксинча демократия йўқлигининг белгисидир. Демократия бўлса, ҳар бир шахс эркин бўлади, кишилар ўз соҳалари бўйича фирма ёки шунга ўхшаган идоралар очиб, ишсизликни камайтиради, ҳатто тугатишади. Касбингиз нима?



- Дурадгорман... Сиз айтгандай, фирма очиб, ишлашга мен ҳам ҳаракат илиб кўрдим. Аммо, иш бошлашим билан солиқ кўмитасидан бир киши келиб қоғозларимдан камчилик топа бошлади. Кейин билсам унга икки дона ром керак экан... Ундан бир амаллаб кутулган эдим, прократурадан бири келиб, ясаб кўйган эшигимни арзон - гаровга олиб кетди. Бу цех билан оиламни боқа олишимга кўзим етмагач, уни ёпиб, Қозоғистонга ишлашга келдим.

- Демократия дегани эркин инсон ва эркин шароит дегани. — сўзини давом эттирди, кўзойнакли йигит, - Сизнинг эркингиз йўқлиги учун сиз солиқ кўмитаси ходими ромингизни олиб кетган, шу сабабли унинг ва прокурорнинг ноқонуний ишларига қарши турулмагансиз, оқибатда ишсиз олгансиз.

Гапга қорачадан келган 40 ёшлардаги киши аралашди.

- Сизнинг гапларингиз балки назарий жиҳатдан тўғридир, аммо бизнинг шароитда гапларингизни амалга ошириш қийин.

- Нега?

- Мен ҳам фермер хўжалиги очиб ўн гектар ер олган эдим. ҳам меҳнат қилиб, ҳам қарз бўлдим...

- Қанақасига қарз бўлдингиз?

- Ерни олгандан кейин трактор ишлатдим. Тракторчига ва ёнилғига отнинг калласидай пул олишди. 6 гектар ерга пахта, 3 гектар ерга буғдой, қолганига сабзавот экасан, деб шартномага кўл қўйдиришди. Уруғликка, минерал ўғитларга, дориларга пул олишди.

Хаммаси улар айтган нарҳда. Бола - чақам, қариндош - уруғларим билан олти ой ишлаб ҳосил етиштирдим. Буғдойимни келиб комбайнда ўриб, 180 сўмдан нарх кўйиб олиб кетишди. Мен уларга, “биродарлар, бозорда буғдой 400 сўм, меникини ҳеч бўлмаса 300 га баҳоланглар,” деб илтимос қилдим. Аммо гапимни бир тийинга олишмади: “нархни сен эмас, биз кўямиз, уруғликни, тракторни, минерал ўғитларни биз берганмиз”, дейишди. Мен уларга “текинга бермагансизлар, пулимга бергансизлар”, дея олмадим.

- Бошлиқларингиз ўзига хос судхўрлар эканда, бошлиқларингиз. Судхўрлик динда гуноҳ саналади. Фермер дегани, акахон, давлат билан ҳеч қандай шартнома тузмайди. Ер солиғини тўлайди холос.

- Шартнома тузмай ҳам кўрингчи, онангизни Учкўрғондан кўрарсиз, — деди собик фермер.

- Биламан, аммо бор гапни айтяпман. Чет элларда фермерлар ерига нима экишни ҳам, олинган ҳосилни қаерга олиб бориб, қанчага сотишни ҳам ўзи ҳал қилади. Чет мамлакатларда аҳолининг 3 ёки 5 фоизи фермерлик билан шуғулланади, аммо ўз одамларини ҳам боради, бошқа мамлакатларга ҳам маҳсулот экспорт қилади. Сизнинг ишларингизнинг юришмаганининг сабаби яна эркинлик йўқлигига бориб такалади. Фермер ҳар бир фуқаро каби эркин ва озод бўлиши керак.

- Бизда ҳозир эски колхознинг ерлари фермерларга бўлиб берилган. Фермерлар уюшмасининг раҳбари бошчилигида ишлашади.

- Унда улар фермер эмас, колхоз эканда?

- Колхоз бўлса қани эди, колхозда ҳеч бўлмаса икки ёки уч қоп унга етадиган маош беришарди, фермерда ишлайдиганларнинг аксарияти пул нима эканлигини билишмайди.

- Демак улар фермер бригадаси аъзолари эмас, куллар эканда? Фақат кулларгина пул олмай ишлайди. Фермер ҳам, у ерда ишлайдиганлар ҳам озод ва эркин одамлар бўлишлари керак.

- Умуман инсон озод бўлиши учун, сиз айтгандай юртимизда ҳақиқий демократия бўлиши учун нима қилишимиз керак? - асабий равишда савол берди дурадгор...

- Бу борада шахсан менда тайёр рецепт йўқ, аммо велосипедни қайтадан ихтиро қилиб ўтирмай, бошқа демократик мамлакатлар қилган ишларни амалга ошириш керак, тамом, вассалом!

- Яъни?!

- Менга қолса, ишни матбуотни эркинлаштиришдан бошлаш керак. Матбуот эркин бўлса, Сиз юқорида айтгандай, амалдорлар Сизга зулм ўтказа олмайди, пора ола олмайди, меҳнатингиз маҳсулини арзон гаровга ёки пул бермай қолишдан ҳайиқади, инсонни хўрлашдан, таҳқирлашдан кўрқишади. Эртасига қилмиш ва кидирмишларини ёзиб чиқишларини ким ҳам истайди?!

- Яна?

- Давлатга қарашли барча идора раҳбарларини, судларни, оқсоқоллар йиғини бошлиғини, туман ва вилоят ҳокимини ва ниҳоят Республика президентини ҳам кўнуний сайловлар асосида сайлаш керак. Ҳозир куйи бўғиндан бошлаб вилоят ҳокимигача тайинланади. Тайинланган раҳбар халқ билан ҳисоблашиши қийин. Агар сайланса, халқ билан ҳисоблашади: “мени халқ сайлаган,

эртага ҳисоб беришим керак, уларнинг кўнглидан чиқмасам, мени олиб ташлашади, эл олдида шарманда бўламан”, деб ўйлаб, тиришиб - тирмашиб ишлайди.

- Идора бошлиқлари, суд, ҳокимларни халқ сайласа, номзодларни ким кўяди?

- Идора бошлиқларини шу корхонада ишлайдиганлар, Фуқаролар йиғини бошлиғи номзодини шу маҳалланинг одамлари, суд, туман ҳокими ёки вилоят ҳокимининг номзодини туман ва вилоятда фаолият олиб бораётган ҳақиқий партияларнинг аъзолари кўйишади.

- Партияларнинг ҳақиқийси билан сохтасини қандай ажратасиз?

- Халқ ичидан етишиб чиққани ҳақиқий,



юқоридан туриб тузилгани кўпинча сохта партиялар бўлади, бундай партияларни сиёсатда ” кўғирчоқ партиялар” дейишади. Ҳақиқий партиялар куйидан туриб тузилган ва кўпчилик ҳолларда ҳукуматга муҳолиф бўлган партиялардир. Улар ўз номзодларини ва бошқа жамоат ташкилотлари кўйган номзодларнинг сайланиш жараёнини ҳукумат мулозимлари, чет эллик қузатувчилар билан биргаликда назорат қилади.

- Парламент сайловларида ҳамми?

- Албатта, ҳамма сайлов ва референдумларда жамоат ташкилотлари, шу жумладан, партияларнинг вакиллари тенг ҳуқуқлилик асосида сайланиши, жамоат ташкилотлари бу сайловларни назорат қилиши керак.

- Бизда бундай сайловлар бўлмас эканда, чунки халқ ичидан етишиб чиққан партиялар бизда йўқ. “Бирлик халқ ҳаракати партияси”, “Эрк” демократик партияси” фаолиятлари расман бўлмасда, амалда таъқиқланган.

- Бу Сизларнинг кўрқоқлигингиз, ўзбекнинг менталитети билан боғлиқ, - деди кўзойнакли йигит.

- Менталитет деганингизни тушунмадим - гапга аралашди яна фермер.

- Менталитет халқнинг онгига сингиб кетган, у оғишмай амал қиладиган хусусият ёки иллатлар... Бу хусусият ва иллатлар унинг юриш-туришида, урф - одатларида, мақол ва маталларида акс этади. ўзбекнинг юриш-туришини қузатганмисиз? Агар ҳозир Сиз гаплашиб турган жойга ҳокимингиз келиб олса нима қиласиз?

- Салом бераман.

- Салом берибгина олмайсиз, икки букилиб таъзим ҳам қиласиз. Иложи бўлса, унга хушомад ҳам қилгингиз келади. Аммо ўрис ёки қозок ундай қилмайди.

- Ўзбекнинг ҳам ҳаммаси ундай қилмайди, -